



12.10.2022 даги

«FERDAVS BUILDING NEV NEV» МЧЖ ва Навбахор туман МТБ ўртасида 243964537,00 сўм умумий суммага
тузилган 322-5-73-МТ/2022 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | сўмда Жами |
|------------------------|--|--|--|--------------------|
| | 4232200 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | 243 964 537 | | | 243 964 537 |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| Жами йил бўйича | 243 964 537 | | | 243 964 537 |

Жами 243964537,00 сўм

Икки юз қирқ уч миллион тўққиз юз олтмиш тўрт минг беш юз
ўттиз етти сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 73189361,10 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада
тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим
(ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиши, алоқа
хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш
шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

Камолов.А
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

Тогаев.Ж
Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

« _____ » _____ 20 _____ й.

« _____ » _____ 20 _____ й.

ПУДРАТ ШАРТНОМА.

12«10»2022 yil.

322-5-73-МТ/2022-son

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Навбахор т МТБ номидан «Низом» асосида иш кўрувчи раҳбар Собиров, Ж бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган Firdavs Building new номидан «Устав» асосида иш кўрувчи Д.Очилов иккинчи томондан, бўйича қуйидаги шартномани туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **9 сон ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишлари** лойихада қўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БҲЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "07" октябрдаги 156630 - сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда (КҚС) билан жорий нарҳларда **243 964 537 (Икки юз қирқ уч миллион тўққиз юз олтинчи тўрт минг беш юз ўттиз етти)** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди(қонунда қўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегшли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага __ - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегинли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ руйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 25 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (ўттиз) фоизи миқдорига аванс ўтказди, бу 73 189 361,1 (Еттиш уч миллион бир юз саксон тўққиз минг уч юз олتمини бир) сўм 10 тийин ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов " Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) ҳамда назорат қуригидан утказилгандан сунг амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва этишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашishi схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишзорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очинишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўнайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган найтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтариини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолishiлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқishi тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланishi Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонуи ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар буздан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонуи ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг $\frac{0.4}{100}$ фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 0.50 $\frac{0.4}{100}$ фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг ___ фоизи миқдорига жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг __0.5_ фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг __0.50_ фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва качиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг __20_ фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.50_ фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектурурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20__ фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаракатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

5.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

5.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

5.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа қонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

5.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар, жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

5.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда суъбий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

5.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишнинг инкор этилмайдиغان далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига муурожаат қиладилар.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, биров-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш сарасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, Навбахор туман Ҳазначилик бўлимидан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача ҳисобланади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

ПУДРАТЧИ

Firdavs Building new

Юридик манзилгоҳ; Навоий вил

ТЕЛ: 913350061

Х/р: 20208000600970320001

Банк номи Кишлоқ қурилиш

Банк коди(МФО) _____

ИНН 305902036

ХХТУТ _____

КТУТ _____



Рахбар Д.Ошпаев

(Ф.И.О.)

Мухр ва имзо

БУЮРТМАЧИ

Навбахор т МТБ

Юридик манзилгоҳ; Навбахор т МТБ

ТЕЛ: _____

ШХ/Р: 100022860122307091100251027

Ташкилот СТИР: 305144766

ХХТУТ _____

КТУТ _____

Ҳазначилик бўлими: Уз.Рес.Молия ваз Ҳазначилиг

Ягона ҳазна ҳисоб варағи

Ҳазначилик х/р: 23402000300100001010

Банк номи Тошкент ш. Марказий банк

Банк коди МФО: 00014

Ҳазначилик СТИРи: 201122919

Рахбар Ж.Собиров

(Ф.И.О.)

Мухр ва имзо

| | | |
|--|--|-------------------------------|
| | Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | JAMSHIDJON SOBIROV UKTAMOVICH |
| | Imzolangan sana | 12.10.2022 12:58 |
| | Hujjat kodi | MC5630552131 |
| | Hulosa kodi | RW4685303583 |

Коррупцияга қарши қоидаларининг
АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашини тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу эҳтимолдан пора, яъни Навбахор тумани МТБ ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд имконлиги учун моддий қилматликларни ёки мулкий наф олиши учун қўйидаги ҳаракатларни қилмайди: пора беришни таклиф қилиши ёки ваъда бериши; тоқламачилик қилиши; пора сифатида пул тўлаши; бевосита ёки билвосита пора олишига розилик бериши.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон Навбахор тумани МТБ бўлими ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу эҳтимолдан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишига мажбурлашдан иборат

бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак: коррупция ҳақида хабар беришига мўлжалланган шонч телефони; Телеграм-канали ("79-562-17-98"); Навбахор тумани МТБ бўлими расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

ТОМОНЛАР:

Бажарувчи: **Firdavs Building new**

(имзо) 

Навбахор тумани МТБ
Ж.Собиров



Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 156630 на приобретение 9-ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 07.10.2022

Время рассмотрения 07.10.2022 18:46

Закупочная комиссия Навбахор туман мактабгача таълим бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|---------------------------------|---------------------------|--------------|
| Председатель комиссии | Собиров Жамшид Уктамович | МТБ Мудири | Навбахор МТБ |
| Секретарь комиссии | Тогаев Жасур Мухамматкулович | Бош хисобчи | Навбахор МТБ |
| Член комиссии | YO'LDOSHEVA ELEONORA ISLOM QIZI | бош хис уринбосари | Навбахор МТМ |
| Член комиссии | Асадов Ориф Хазратович | Иктисодчи | Навбахор МТМ |
| Член комиссии | Рустомова Гулиё Муродовна | Шартнома булими хисобчиси | Навбахор МТБ |
| Член комиссии | Алназарова Нодира Давановна | Хисобчи | Навбахор МТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.10.2022 года № лота 156630.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

| | |
|---|--|
| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по текущему ремонту нежилых зданий |
| Подробное описание | 9-ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишларини тез ва қисқа вақтда сифатли бажариш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 293 652 652.00 |
| Стартовая сумма | 293 652 652.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 шартномани бажариш учун зарур техник, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: шартномани бажариш учун зарур техник, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ООО QURILISH-GROUP | 20 | шартномани бажариш учун зарур техник, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги | 15 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 20 | мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20 | Хужжат илова килинди | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат бўйича тулик маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат бўйича тулик маълумотлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| ООО QURILISH-GROUP | 10 | солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; молиявий ҳолат бўйича тулик маълумотлар | 5 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 10 | Хужжат илова килинди | 10 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танловда иштирок этувчи корхонанинг ретинг курсаткичларига эга булиши. (Зарур)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этувчи корхонанинг ретинг курсаткичларига эга булиши. (Зарур)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| ООО QURILISH-GROUP | 5 | Танловда иштирок этувчи корхонанинг ретинг курсаткичларига эга булиши. (Зарур) | 5 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 5 | мавжуд | 5 | Экспертная | | |
| СП RUXSHONA FARANGIZ | 5 | Хужжат илова килинди | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| KELAJAGI | | | | | | |

Критерий №4 Банк хисоб ракамида 20% лик айланма маълумотномаси аудет хулосаси (Зарур)

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк хисоб ракамида 20% лик айланма маълумотномаси аудет хулосаси (Зарур)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| OOO QURILISH-GROUP | 10 | Банк хисоб ракамида 20% лик айланма маълумотномаси аудет хулосаси (Зарур) | 10 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 10 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 10 | Хужжат илова килинди | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Навбахор т 9 сон ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишларни бажариш учун фежабём

Тип: Текстовое значение

Описание: Навбахор т 9 сон ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишларни бажариш учун фежабём

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-------------------------------|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| OOO QURILISH-GROUP | 20 | Навбахор т 9 сон ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишларни бажариш учун фежабём | 15 | Экспертная | | |
| Firdavs building new | 20 | мавжуд | 10 | Экспертная | | |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 20 | Хужжат илова килинди | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Ишчи ходимларни сўгурталанганлиги (полес), ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома. Иштирокчи корхона хакида маълумот. Маълумотда давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси, юридик манзили, банк реквизитлари, корхона бенефициари ва таъсисчилари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимларни сўгурталанганлиги (полес), ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома. Иштирокчи корхона хакида маълумот. Маълумотда давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси, юридик манзили, банк реквизитлари, корхона бенефициари ва таъсисчилари

Обязательность: Критично

| | | | | | | | |
|-------------------------------|----------------|--------------------|----------------|-------|----------------|---------------------|----------|
| Firdavs building new | 293 652 652.00 | 243 964 537.00 UZS | 243 964 537.00 | 00.00 | 243 964 537.00 | 05.10.2022 12:53:49 | 50 |
| ООО QURILISH-GROUP | 293 652 652.00 | 259 198 952.00 UZS | 259 198 952.00 | 00.00 | 259 198 952.00 | 04.10.2022 09:16:19 | 47.06125 |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 293 652 652.00 | 273 071 856.00 UZS | 273 071 856.00 | 00.00 | 273 071 856.00 | 05.10.2022 15:47:58 | 44.67039 |

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|-------------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| Firdavs building new | 45 | 50 | 95 |
| ООО QURILISH-GROUP | 35 | 47.06125 | 82.06125 |
| СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI | 45 | 44.67039 | 89.67039 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 156630 от 07.10.2022 года на приобретение 9-ДМТТ биноси жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

Firdavs building new
305902036

и резервный исполнитель: СП RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI (303489630)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|-----------------------|---------------------------------|-------------|---|
| Председатель комиссии | Собиров Жамшид Уктамович | Не согласен | комиссия аъзоларининг хулосасига асосан |
| Член комиссии | YO'LDOSHEVA ELEONORA ISLOM QIZI | Согласен | |
| Член комиссии | Рустамова Гулиё Муродовна | Согласен | |
| Член комиссии | Алназарова Нодира Давановна | Согласен | шартлар туғри талаб қилинган |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA MC5630552131**

RW4685303583

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Pudrat shartnomasi.**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: "NAVBAHOR TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI" DAVLAT MUASSASASI tomonidan 12.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Navbahor tuman
yuridik markazi
bosh yuriskonsult:



M.I.TOSHNIYOZOV

12.10.2022



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"FERDAVS BUILDING NEW" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"FERDAVS BUILDING NEW" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

12.12.2018

656281

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305902036

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Navoiy viloyati, Xatirchi tumani, Binokor MFY, Zebiniso ko'chasi, 5-uy.

Guvohnoma:

Navoiy viloyati, Xatirchi tumani, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

